

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАХХОРОВ АВАЗ ЖАМОЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА
ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 - Маркетинг

ИҚТИСОДИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент 2018 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences**

Қаххоров Аваз Жамолович

Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолияти-
ни такомиллаштириш..... 3

Қаххоров Аваз Жамолович

Совершенствование деятельности инновационного маркетинга в системе
автомобильного транспорта Узбекистана 25

Kakhkharov Avaz Jamolovich

Developing innovation marketing activities at the transport system of the
Uzbekistan.....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАХХОРОВ АВАЗ ЖАМОЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА
ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 - Маркетинг

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.5.1337 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.tdiu.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Фаттахов Адихамдjon Азизович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Юлдашев Равшан Зокирович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Зоҳидов Азамат Аъзамович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.1.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислom Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислom Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72).

Диссертация автореферати 2018 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “__” _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси)

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

М. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири транспорт тизими бўлиб, уни ривожлантириш ҳар бир мамлакат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бутун дунёда халқаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви, ички ва ташқи бозорда юқори рақобатга эга бўлиши, тадбиркорлик ва туризм салоҳияти транспорт тизимининг ривожланганлиги билан белгиланади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, йиллик транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажми 4,2 трлн. АҚШ долларини, шундан автомобиль транспортининг улуши 2,1 трлн. АҚШ долларни ташкил этиб, дунё ЯИМ таркибида 10 фоизга бориб етган¹. Халқаро транспорт хизматлари бозорида муросасиз рақобат кечаётган бир пайтда истеъмолчилар талабини қондириш ва янги ҳудудларни эгаллаш учун инновацион маркетинг фаолиятинидан фойдаланиш ҳар бир ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакат тарақиётининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Сўнги ўн йилликда мамлакатимизда транспорти хизматлари бозори ва унинг муҳим инфратузилмасини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Автомобиль транспорти республика транспорт тизимининг етакчи тармоғи бўлиб, ушбу транспорт тури зиммасига умумий ташилаётган юкларнинг 93 фоиздан, йўловчиларнинг 98 фоиздан кўпроғи, шунингдек, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизи, ишлаб чиқариш фондларининг 15 фоизи ва меҳнатга банд бўлганларнинг 4 фоизи тўғри келади². Аммо автомобиль транспорти тизимида рентабеллик даражасининг пастлиги, унинг аҳоли саломатлиги ва экологияга таъсири талаб даражасида эмаслиги, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторларида транспорт харажатлари улушининг юқорилиги, ҳудудларнинг йўл тармоқлари ва инфратузилма объектлари билан нотекис таъминланиши аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган талабларини баҳо ва сифат жиҳатдан қондира олмаяпти. Шу боисдан, самарали ва истеъмолчиларга йўналтирилган транспорт хизматларини кўрсатиш учун автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясида “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, юк ва йўловчи ташиш фаолиятини яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини ошириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш”³ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамиз автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

¹ www/worldbank.org

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракат стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли фармони. www.lex.uz.

Жаҳон стандарт талабларига мос транспорт-йўл инфратузилмасини яхшилаш ва автомобиль транспорт хизмат кўрсатиш фаолиятини тизимли ташкил қилиш, мижоз ва транспорт корхоналари муносабатларини уйғунлаштирувчи инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш усулларини татбиқ этиш мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш имконини берувчи илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-1446-сонли «2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури тўғрисида»ги қарори ва 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2021 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-3422-сонли қарори мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Автомобиль транспорт хизматлари бозорида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унда маркетингнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида бир қатор илмий ишлар мавжуд бўлиб, бунда хорижий олимлардан А.И. Ансофф, В. Кингстон, Д.Бенсон, П. Друкер, М. Бодмер Ф. Котлер, Й. Шумпетер кабиларнинг изланишлари диққатга сазовордир⁴.

МДХ мамлакатларида инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этиш бўйича, А.Б. Секерин, В. Романов, А.Б. Титов, Т. Шерстобитова ва бошқалар, автомобиль транспорти соҳасидаги мутахассис олимлардан З.И.Аксенова, В.П.Бычков, А.Бачурин, Н.К., И. Демьянович, В.И. Табаков, И.А. Морозова, Л.Б.Миротинлар томонидан автомобиль транспорти тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, транспорт-логистика хизматлари соҳасини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган⁵.

⁴ Ансофф И. Новая корпоративная стратегия – СПб.: Питер Ком, 2005. – 206 с.; Kingston W. The Political Economy of Innovation. The Hague/ W.Kingston. 1984.-122 p.; Бенсон Д., Уайтхед Дж. Транспортировка и доставка грузов: Пер. с англ.– М.: Транспорт, 1990,-279 с.; Друкер П.Ф. Бизнес и инновации: пер. с англ./П.Ф.Друкер. -М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2007.-С. 69; Bodmer, M., All allied to fight public transport’s perceived decline: relationship marketing in Brazil, in: Anais de 1st International Conference on Public Transport Marketing,; Barcelona,2011, pp 1-12.; Котлер Ф. Основы маркетинга. Учебное пособие. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2010.– 656 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития.-М.:, Директ-Медиа. 2007, с 400.

⁵ Секерин В.Д. Инновационный маркетинг: Учебник.-М.: ИНФРА-М, 2012.стр.3.; Титов А.Б. Маркетинг и управление инновациями.— СПб.: Питер, 2001.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник. — М.: Бизнес-школа Интел-Синтез, 2000.; Шерстобитова Т.И. Маркетинг инноваций: учебное пособие. - Пенза:

Мамлакатимизда маркетолог олимлардан А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева ва Б.Д. Сафаровнинг иқтисодий эркинлаштириш ва ривожлантириш шароитида инновацион маркетинг фаолияти масалалари, шунингдек, автомобиль транспорти соҳаси мутахассисларидан М.А.Икромов, Ғ.А. Саматов, С.Салимов, Я.К.Карриева, М.Ирисбекова, М.Н. Равшанов ва Т.У.Қодировнинг автомобиль транспорти тизимида маркетинг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ҳамда тармоқни инновацион ривожлантиришга бағишланган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин⁶.

Юқорида номлари келтирилган олим ва мутахассисларнинг илмий асарларида автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш каби масалалар етарли даражада ёритилмаган. Шу сабабли, мазкур ҳолат иқтисодий тармоқлари ривожланишига мутаносиб равишда автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштиришни назарий ва услубий жиҳатдан асослаш заруриятини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодий университетининг А-2-38 “Марказий Осиё регионида халқаро логистикани ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (01.01.2017-31.12.2019).

Тадқиқотнинг мақсади автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновацион маркетингнинг иқтисодий фаолият сифатидаги мазмуни ва моҳиятини ёритиб бериш;

издательство ПГУ, 2009. 126 с.; Аксёнова З.И., Анализ производственно-хозяйственной деятельности автомобиль транспортных предприятий.– М.:Транспорт, 1990,-48 с.; Бычков В.П. «Экономика предприятий автомобильного транспорта. – М.: «Инфра», 2010.; Демьянович И.В. Экспертные методы решения проблем качества транспортных услуг // Проблемы современной экономики, 2011. №1, С 342-346.; Табаков Н.К стратегии развития транспорта// Транспорт Российской Федерации, № 4, 2006.–С 6. Л.Б. Миротина.Транспортная логистика. М.: Транспорт, 1996.; Морозова И.А. Маркетинговое обеспечение развития инфраструктуры рынка транспортных услуг. Автореферат диссертации доктора экономических наук. Волгоград, ГОУ ВПО ВГУ, 2008. 46 с.;

⁶ Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 1993.-54с.; Болтабаев М.Р.Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. такд. эт. дисс. автореф.- Тошкент, 2005.- 36 б.; Эргашходжаева Ш.Ж.Инновацион маркетинг. – Тошкент: Чўлпон, 2014. –178 б. Қосимова М.С., Сафаров Б.Ж., Маркетингни бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.– 268 б. Икромов М., Автотранспорт иқтисоди ва бошқаруви. Ўқув қўлланма.–Т.: ТАЙИ, 2003.34-45б.; Саматов Ғ.А. Инновационное развитие автомобильного транспорта. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, 2011.– 256с.;Салимов С.А., Автомобиль транспорти хизматлари бозорида фаолият кўрсатувчи транспорт воситаларининг таҳлили//ТАЙИ хабарномаси. №3-4, 2011 й. Б-148.;Равшанов М.Н. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти: муаммо ва ечимлар.–Т.: М Э, 2012.-209 б. Қарриева Я.К. Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиш учун халқаро йўлақлардан самарали фойдаланишнинг логистик транспорт муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т., 2004.-44 б. Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар.Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. –234 б.

автомобиль транспорти тизимида инновациони маркетингнинг илмий-услубий асосларини ўрганиш;

автомобиль транспорти хизматлари бозори ривожланиши ҳолатининг таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш;

Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этиш ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

автомобиль транспорти тизимида инновацион хизматларни тижоратлаштиришнинг умумий механизмини ишлаб чиқиш;

автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг салоҳиятини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш;

автомобиль транспортида инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи мезонларни аниқлаш ва уни баҳолашнинг услубий таъминотини яратиш;

автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш асосида иқтисодий самарадорликни оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон автомобиль транспорти хизматлари бозори ва хўжаликлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, статистик кузатиш, анкета сўровнома, дала ва кабинет тадқиқот усуллари, эксперт баҳолаш, таққослаш, статистик гуруҳлаш, танланма кузатиш, корреляцион-регрессион таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автомобиль транспорти тизимида “янги транспорт воситалари, ташиш технологиялари ва сервис хизматларини қўллашга асосланган” инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштиришнинг иқтисодий механизми такомиллаштирилган;

автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг салоҳиятини баҳолаш услубиятининг кўрсаткичлар тизими ва алгоритмик асоси такомиллаштирилган;

автомобиль транспортида инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи ижтимоий, иқтисодий, молиявий, маркетинг, бошқарув, техник-эксплуатацион, экологик, эргономик ва хавфсизлик мезонлари гуруҳи ишлаб чиқилган;

автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини техник-эксплуатацион параметрнинг ўзгариши ҳисобига аниқлаш услубияти таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инновацион ва анъанавий маркетинг воситалари асосида маҳсулотни силжитиш позициясини белгиловчи матрица ишлаб чиқилган;

транспорт хизматлари бозоридаги ўзгаришларга тезкор жавоб бериш, хизмат кўрсатиш жараёнини назорат қилиш ва экспресс баҳолаш имконини

берувчи инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштириш алгоритми таклиф этилган;

автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишда инновацион маркетингни қўллаш самарадорлигини баҳолаш услубияти ишлаб чиқилиб “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида қўлланилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган моделларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва натижаларнинг давлат томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, автомобиль транспорт корхоналари рақобат устунлигини яратишда инновацион маркетинг ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, мутасадди ташкилотларнинг дастурий ва ташкилий фаолиятини йўлга қўйишда фойдаланиш мумкин. Таклиф этилган услубий воситаларни кенг қўллаш транспорт соҳасининг тармоқлараро инновацион ривожланиш стратегиялари ва маркетинг дастурлари ҳамда ахборот базаларини шакллантириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишининг асосий ғоя ва материалларидан транспорт корхоналарида истиқболли маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудий ва мамлакат транспорт салоҳиятини ошириш борасида қабул қилинаётган қарорлар ҳамда автомобиль транспорт фаолияти муаммоларига оид илмий изланишларни олиб бориш, транспорт тизимида кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

автомобиль транспорти тизимида янги транспорт воситалари, ташиш технологиялари ва сервис хизматларини қўллашга асосланган инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ташқи савдо вазирлиги қошидаги “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг фаолиятига жорий этилган (“Ўрта Осиё Транс” АЖнинг 2017 йил 16 сентябрдаги 09/10-27-сонли маълумотномаси). Ушбу инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштиришнинг иқтисодий механизмини қўллаш транспорт хизмати кўрсатиш бозори ҳолатини ўрганиш ва унда инновацион маркетингни ташкил этишдаги асосий йўналишларни белгилаб олиш, шунингдек, инновацион транспорт хизматларини баҳолаш, истеъмолчиларга муносиблигини илмий асослаш, сегментларга ажратиш ва яратилган инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштириш имконини берди.

автомобиль транспорти корхоналарида инновацион маркетинг салоҳиятини баҳолаш услубиятининг кўрсаткичлар тизими ва алгоритмик асосини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ташқи савдо вазирлиги

қошидаги “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг фаолиятига жорий этилган (“Ўрта Осиё Транс” АЖнинг 2017 йил 16 сентябрдаги 09/10-27-сонли маълумотномаси). Мазкур янгиликни амалиётга жорий этиш натижасида “Ўрта Осиё Транс” АЖда инновацион маркетинг фаолияти етарли даражада эмаслиги аниқланди ва инновацион маркетинг фаолияти самарали йўлга қўйилди. Шунингдек, ушбу илмий янгилик маркетинг бошқарувини замон талаби даражасида ташкил этиш ва транспорт хизмати кўрсатишни 2017-2021 йиллардаги ривожлантириш стратегияларини белгилашда муайян даражада хизмат қилади.

автомобиль транспортида инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи иқтисодий, ижтимоий, молиявий, маркетинг, бошқарув, техник-эксплуатацион, экологик, эргономик ва хавфсизлик мезонлари гуруҳи бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ташқи савдо вазирлиги қошидаги “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг фаолиятига жорий этилган (“Ўрта Осиё Транс” АЖнинг 2017 йил 16 сентябрдаги 09/10-27-сонли маълумотномаси). Автомобиль транспортида инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи мезонлар ва уларни ифода этувчи кўрсаткичлар гуруҳини амалиётга татбиқ этиш, инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш услубиётидан бевосита фойдаланиш имкониятини яратиб, корхоналарни ривожлантириш самарадорлик мезонлари хусусиятидан келиб чиқиб, қарорлар қабул қилишга хизмат қилди.

автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини техник-эксплуатацион параметрларининг ўзгариши ҳисобига аниқлаш услубияти Ташқи савдо вазирлиги қошидаги “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг фаолиятига жорий этилган (“Ўрта Осиё Транс” АЖнинг 2017 йил 16 сентябрдаги 09/10-27-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгилик асосида “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида инновацион маркетингни жорий қилиш эвазига техник эксплуатацион кўрсаткичлари 3-4 %га яхшиланди ва улардан самарали фойдаланиш натижасида ялпи даромад 17 %га оширилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, шундан 8 та ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда, 2 та халқаро журналларда мақола, 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 145 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида бозор иқтисодиёти шароитида инновацион маркетингнинг иқтисодий фаолият сифатидаги мазмун-моҳияти, автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг концепцияси ишлаб чиқилган ва инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этишга таъсир қилувчи омиллар тизимли таснифланиб, муаллиф ёндашувлари баён этилган.

Диссертацияда муаллифнинг назарий тадқиқотлари натижасида бир қатор методологик ёндашувлар шакллантирилган. Бугунги кунда “Инновацион маркетинг” - маркетинг фаолиятида янги пайдо бўлган йўналиш ҳисобланиб, маҳсулот ва хизматларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш технологияларни жорий қилиш ҳамда ушбу инновацион ғояни тижоратга тайёрлашни амалга оширади. Инновацион маркетингнинг асосий мақсади инновацияларни бозорга киритиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва янги маҳсулотни бозорда мустақам ўрин эгаллашини таъминлаш ҳисобланиб, анъанавий маркетингдан фарқли равишда инновацион маркетинг воситалари бозорни тадқиқ этиш, кузатиш, конъюнктурасини таҳлил қилиш, талабни шакллантириш, истеъмолчилар хулқ-атвори бўйича бозор сегментларини ишлаб чиқишга асосланади.

Хизмат кўрсатишда эса “инновацион маркетинг”, айирбошлаш натижасида янгиликларга эҳтиёжни қондириш орқали фойда олишга йўналтирилган инсон фаолияти мажмуи тушунилади. Бу фаолият янгиликларга эҳтиёжни аниқлашдан тортиб янги инновацион хизматларни яратиш, бозорга кириб бориш, хизматларнинг ҳаётийлик даври, амалиётга қўллаш, инновацион хизматларни сотиб олиш учун харидорлар қизиқишини ошириш, янгиликларга бўлган талабни ва уларнинг яратилиш истиқболларини аниқлаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Диссертацияда кўриб ўтилган хориж ва мамлакатимиз олимларининг инновацион маркетингга берган таъриф ва тавсифларини таҳлил қилиш асосида улар томонидан асосан инновацион маҳсулотни бозорга силжитиш билан боғлиқ маркетинг фаолият нуқтаи назардан ёндашилганлиги аниқланган. Маркетингни иқтисодий фаолияти сифатида ўзини олиб кўрилганда унда қўлланилувчи янги восита ва усуллар ҳам инновацион фаолият бўлиб юзага чиқади. Назарий мулоҳазалардан келиб чиқиб, муаллифнинг фикрича, “Инновацион маркетинг – янги ғояларни излаш, маҳсулотларни яратиш ва амалдаги маҳсулотни такомиллаштириб бориш ҳамда инновацион технологиялар ёрдами- да тижоратлаштиришга йўналтирилган фаолият” деб таъриф берилган.

Инновацион маркетингнинг бугунги кундаги энг зарур воситаларини қўллай билиш ва амалиётга жорий этиш автомобиль транспорти корхоналарининг рақобат устунлигини таъминлайди, уларнинг бозорда муваффақиятга эришишига ёрдам беради. Шу жиҳатдан, автомобиль транспорти корхоналари-

нинг кескин рақобат шароитига самарали мослашиш имконини берувчи инновацион маркетинг технологияларини жорий этиш йўллари кўрсатилган. Шунингдек, транспорт фаолиятига қаратилган инновацион маркетинг концепциясининг асосий ташкил этувчилари илмий жиҳатдан асосланган.

Автомобиль транспорти хизматида инновацион маркетинг фаолияти эса - истеъмолчиларнинг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар тўлиқ қондириш билан боғлиқ инновацион фаолияти ҳамда транспорт-логистика хизматларини инновацион йўллар билан тижоратлаштиришга қаратилган маркетинг тадбирлари мажмуаси ҳисобланади.

Автомобиль транспорти корхоналари томонидан инновацион маҳсулотлар ёки ғоя ишлаб чиқиш, энг аввало, хизмат кўрсатиш жараёнини такомиллаш-тириш имкониятлари ва масалалари билан эмас, балки янги транспорт хизматининг қайси жиҳатлари истеъмолчилар учун кўпроқ аҳамиятга эга эканлиги ҳамда уларнинг хоҳишларини ўрганиш натижалари билан белгиланади. Инновацион транспорт хизматини муваффақиятли тижоратлаш-тириш учун маркетинг тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириш жараёни таклиф этилган (1-расм).



1-расм. Автомобиль транспортида инновацион хизматларни тижоратлаштиришнинг маркетинг тадбирлари⁷

Автомобиль транспорти хизмати бозорида инновацион маркетингни қўллаш зарурияти, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва инновацион

⁷ Муаллиф ишланмаси.

маркетинг концепциясини амалга ошириш бўйича тадқиқотларни олиб бориш, тармокнинг узок муддатли инновацион фаолиятини йўлга қўйиш, инвестиция сиёсати, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ва уни қондириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда истиқболли ривожлантириш режасини ишлаб чиқишга асос бўлади. Инновацион маркетингнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш эса, инновацион фаолият ва инновацион маркетинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ҳамда тизимли таснифлашни тақозо этади.

Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг омиллари – автомобиль транспорти хизматларини силжитиш билан боғлиқ маркетинг фаолиятига бир марта ва доимий сабаб бўлувчи ходисалар мажмуидир. Диссертацияда автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларини тўртта даражага ва ҳар бир даражада табиий учрашига кўра омиллар тизимлаштирилди, булар: мега, макро, мезо, микро даражадаги ва ҳар бир даражада табиий учровчи омилларга кўра таснифланган.

Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларини иерархик тизимлаштиришдан асосий мақсад, айниқса, умумтранспорт ва унинг тармоқ бозорларида инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва омилларни самарали баҳолаш бўйича ёндашувларда услубий асос сифатида фойдаланиш таклифи киритилган.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этиш орқали иқтисодиёт тармоқларида сифатли ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжни етарли даражада қондириш, ушбу соҳада инновацион фаолиятни янада такомиллаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Автомобиль транспорти хизматлари бозорининг ривожланиш ҳолати тахлили ва унда инновацион маркетингни қўллаш истиқболлари**» номли иккинчи бобида автомобиль транспорти хизматлари бозорининг ривожланиш ҳолати, инновацион маркетингни қўллаш ва инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштириш борасидаги мавжуд муаммолар аниқлаган.


Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланишида транспорт тизими етакчи мавқега эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини юксалтиришда асосий тармоқлардан бири ҳисобланади.

Транспорт хизматлари ривожланишининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1 фоизга ортиши республика ЯИМ ҳажмини кўшимча равишда 0.9 ёки қариб 1 фоиз ортишига олиб келади. Мазкур фикрнинг исботини қуйидаги корреляцион боғланиш графигида ҳам кўриш мумкин (2-расм).

Унга кўра, $GDP = 0.9005(Trans/GDP) + 3.2242$ бўлганда $R^2 = 0,995$, $n=17$ ва $F=3169.32$ бўлади. Шу боисдан, миллий иқтисодиётимиз барқарорлиги ва халқаро глобаллашувида транспорт хизматлари доимий рағбатлантирувчи восита сифатида ўз тасиғини топган.

Мустақиллик йилларида транспорт тизимининг натурал кўрсаткичлардаги иш ҳажмининг ўсиш суръатлари унинг ялпи ички маҳсулот таркибида улуши ўсиш суръатларидан бир мунча ортда қолган эди. Бундан кўриниб

турибдики, тармоқ корхоналарида замонавий ҳаракат воситалари билан етарли даражада таъминланмаганлик ҳамда улардан фойдаланиш унумдорлигининг пастлиги соҳанинг рақобатдошлигига салбий таъсир этибгина қолмай, хизмат кўрсатиш таннархи ва баҳосининг ошиши, шунингдек, иқтисодиётда яратилаётган маҳсулот ва хизматлар таннархида транспорт ташкил этувчисининг юқори даражада бўлиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда.



2-расм. Ўзбекистонда ЯИМ ва унинг таркибидаги транспорт хизматларининг ўзаро корреляцион боғланиш графиги⁸.

Автомобиль транспортда 2016 йил умумий ташилаётган юкларнинг 92 фоизи, йўловчиларнинг 98,5 фоизи ташилган. Ялпи ички маҳсулот ҳажмида транспортнинг улуши 10 фоиз атрофида бўлса, шунинг 65-70 фоизи автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган автомобиль транспорти корхоналарининг сони 2017 йилга келиб, 2001 йилга нисбатан эса 88 фоизга ошган. Мамлакатимизда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида хусусий автомобиль транспорти корхоналари улуши 90,0 фоиздан 96,5 фоизга етган. Автомобиль транспорт хизмати билан фаолият юритувчи корхоналар 2017 йилда 7780 тани ташкил этиб, уларнинг 79 фоизи кичик корхона ва микрофирмалардир.

Автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш бозорида улуши ортиб бораётган хусусий ташувчилар транспорт хизмати бозорига тез мослашувчан бўлиб, уларнинг ихтиёридаги автомобилларнинг 85-90 фоизини айнан кичик тоннали ва магистрал юк автомобиллари, шунингдек, эксплуатация муддати анча катта бўлса ҳам, йўловчилар учун қулайлиги бир мунча яхши бўлган хорижий русумдаги микроавтобус ва магистрал автобуслар ташкил этади. Мамлакат автомобиль транспортда ташиладиган юклар умумий юк

⁸ Муаллиф ишланмаси

ҳажмининг 92,0 фоиздан кўпроғини ташкил этиб, унинг аҳамияти халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши натижасида тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилаётган инновацион маҳсулотлар ҳажмининг ошиб бориши унинг қўллаш имконияти кенглигини ифодалайди. Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришда иқтисодиётнинг тармоқлар кесими бўйича таҳлил қилсак, охириги ўн йилликда саноат соҳасида яратилаётган инновациялар умумий инновацияларнинг 85-90 фоизини ташкил этади. Транспорт ва алоқа соҳаларида ҳам инновациялар улушида ижобий ўзгариш бўлиб, биргина 2016 йил транспортда ташиш ва сақлаш хизматлари бўйича 75 та корхона 129460,6 млн. сўмлик инновация яратишда иштирок этган. Булардан, автомобиль транспортида юк ташиш хизматларида 28 та корхона 16819,0 млн. сўмлик, темир йўл транспортида юк ташиш хизматида 1 та корхона 717,6 млн. сўмлик, такси хизматларида 10 та корхона 5252,2 млн. сўмлик, ҳаво транспортида 1 та корхона 90448,6 млн. сўмлик, шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчи ташиш хизматида 8 та корхона 1720,7 млн. сўмлик инновацион маҳсулот яратилган бўлса-да, қолаган қисми ташишни ташкил этиш ва сақлаш хизматлари ҳиссасига тўғри келади.

Умуман, инновацияларни яратиш ва уларни тижоратлаштиришда маркетингни ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Маркетинг соҳасидаги инновацияларни яратишда ҳам охириги ўн йилликда сезиларли даражада ишлар амалга оширилди. Республикамизда яратилаётган инновацион ишланмалар таркиби бўйича таҳлил қилсак, технологик ва ташкилий инновацияларга нисбатан маркетинг инновациялари ҳажми етарли даражада эмас, шунингдек, маркетингдаги инновацион ишланмаларни корхоналар сонига нисбатан олсак, ижобий баҳо бера олмаймиз. Жумладан, 2010 йилда биргина корхонанинг ўзи 32 та маркетинг инновациясини жорий этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилга келиб 20 та корхона 51 та маркетинг инновацияларни яратишга эришган. Маркетинг инновацияларни жорий қилган корхона ва ташкилотлар сонига нисбатан ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан ошиб боришини кузатиш мумкин. Аммо яратилаётган маркетинг инновациялари алоқа ва ахборот хизматлари, фармацевтика саноати, савдо ва қурилиш, транспортда ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасида жорий қилинган, холос. Транспорт хизматларида эса, 2015 йил ҳаво транспорти соҳасидаги хизматларида битта “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК томонидан, 2016 йилда ҳам тижорат банклари томонидан авиа чипталарни харид қилишга доир маркетинг инновациялари яратилган.

Ваҳоланки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий транспорт тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга ошириб келинаётган бўлса-да, маркетинг ва уларда инновацияларни жорий этиш қийин кечмоқда. Автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш тизимнинг асосий бўғини бўлиб, ҳозирги кунгача атиги битта маркетинг инновациясини жорий этиш билан чекланиб қолинган. Бугунги кунга келиб, 7 мингдан ортиқ автомобиль транспорти хизматлари билан фаолият юритаётган хўжаликлар мавжуд бўлиб, уларда жорий қилинган бир дона маркетинг инновациясига нисбатини олиб кўрсак, соҳада маркетинг фаолияти жорий этилмаган деган хулосага келамиз. Сабаби, хўжалик фаолиятида маркетинг ва бошқарув

соҳасидаги мутахассислар, уларга етарлича шароит ва рағбат ҳамда транспорт соҳасида инновацияларни яратувчи бирор бир тадқиқот муассасасининг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва ташиш жараёнларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инновация фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, солиқ ва божхона масалаларини тартибга солиш, технологиялар трансфери ва интеллектуал бозорни шакллантириш, транспорт тизимини рағбатлантириш учун имтиёзли кредитлаш ва молиялаштириш каби зарур механизмларни жорий этишда маркетингнинг инновацион технологиялари орқали амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Транспорт инфратузилмаси ва иқтисодиётимизнинг бошқа жабҳаларида инновацион ишланмаларни яратиш, яратилган энг илғор технологияларни кенг жорий этиш нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатдош ҳамда харидоргир маҳсулотлар кўпайишига олиб келиши мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Транспорт хизматини самарали тижоратлаштириш, аввало, транспорт корхоналари ва шу билан бирга йўл инфратузилмаси ҳамда истеъмолчилар, яъни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг инновацион ривожланиши билан боғлиқ. Республикамиздаги транспорт хизматлари соҳасида инновацияларни жорий этиш ва тижоратлаштириш масалалари ривожланишининг қийин кечишини таҳлилларга таянган ҳолда қуйидаги сабабларни келтиришимиз мумкин:


ҳалқаро транспорт хизмати билан фаолият юритувчи корхоналарнинг рақобатдошлик даражаси юқори бўлмаганлиги сабабли Эрон, Туркия, Россия ва Қозоғистон республикасининг транспорт компаниялари мамлакатимиздаги экспорт ва импорт юқларининг асосий қисмини ташийди. Шу боисдан, миллий транспорт операторларининг рақобатдошлигини юқори бўлмаганлигига уларга нисбатан транспорт воситалари ва ташиш технологияларининг қимматлиги;

ёқилғи - мойлаш материалларининг нархи юқори;

ҳаракатдаги транспортларнинг жуда катта қисми хизмат кўрсатиш муддатини ўтаб бўлган, Евро-3, Евро-4 ва Евро-5 талабларига жавоб бермайди;

мижозларга йўналтирилган транспорт-логистика хизматларини амалга оширишда бошқарувнинг янги усулларида фойдаланмаслик ва инновацион маркетинг технологиялари қўлланилмаётганлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиқиб, автомобиль транспортида инновацион хизматларни тижоратлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шунингдек, миллий операторларининг инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштириш борасидаги асосий муаммоларидан бири уларнинг етарли услубий таъминотга эга эмаслигидир, албатта. Шу аснода, автомобиль транспорти тизимида инновацион маҳсулот ва хизматларни мақсадли тижоратлаштириш, истеъмолчиларга мувофиқлигини баҳолаш бўйича уч поғонали алгоритм таклиф этилди (3-расм).



3-расм. Иновацион транспорт хизматларини тижоратлаштириш алгоритми⁹

⁹ Муаллиф ишланмаси.

Автомобиль транспортида инновацион хизматларни яратиш ва тижоратлаштиришда авваламбор, республикамизда инновацион фаолиятни ривожлантиришга эътибор ва уларни амалиётга жорий этишнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, барча соҳада яратилаётган илмий ишланмаларнинг пировардида намоён бўлади. Инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришда инновацион маркетингдан фойдаланиш ва инновацион жараёнларни самарали бошқаришда ривожланган мамлакатлар тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Автомобиль транспорти тизимида инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштириш борасидаги муаммолар ўз ечимини топишида, биринчи навбатда, соҳада инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш, умумтранспорт бозорида хизматлар сифатини ошириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш йўллари**» деб номланиб, унда автомобиль транспорти корхоналарида инновацион маркетинг салоҳиятини баҳолаш услубияти ва ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган, шунингдек, инновацион маркетинг самарадорлигини тавсифловчи мезон ва кўрсаткичлар тизимлаштирилиб, автомобиль транспорти хизмати кўрсатишда инновацион маркетинг самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий таъминот яратилган ва баҳолаш натижасида иқтисодий самарадорликни ошириш борасида таклифлар тайёрланган.

Автомобиль транспорт тизимида инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этишда, аввало, транспорт корхоналари инновацион ташиш технологиясига эга бўлиши, хизмат кўрсатиш жараёнида инновацион маҳсулот ёки хизматларни яратиш ҳамда инновацион усуллар орқали силжитиш масалаларидан иборат дастур амалга оширилиши керак.


Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг салоҳиятини тадқиқ этмай, транспорт хизматларини тижоратлаштириш имкониятларини аниқлашнинг иложи йўқ, албатта. Шу боисдан, автомобиль транспорти хизматларини кўрсатишда инновацион маркетинг салоҳиятини тадқиқ қилиш ва баҳолаш, шунингдек, уни шакллантирувчи омилларни ўрганиш ва ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш муҳимдир. Автомобиль транспорти корхоналарининг маркетинг салоҳиятини баҳолаш ва ривожлантириш механизмининг умумий кўриниши (4-расмда) келтирилган.

Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг салоҳиятини қуйидаги формула орқали баҳолаш таклиф этилди:

$$P = f1 (P1, P2, P3, P4, P5) \quad (1)$$

бу ерда: **P1** - АТКнинг инновацион салоҳиятини; **P2** - АТКнинг моддий ресурслар салоҳияти; **P3** - АТКнинг инсон ресурслари салоҳияти; **P4** - АТКнинг ахборот ресурслари салоҳияти; **P5** – АТКнинг маркетинг воситалари салоҳияти.

Муаллифлик нуқтаи назардан бу формула ёрдамида транспорт корхоналарининг инновацион маркетинг салоҳиятини баҳолаш билан бирга барча иқтисодий кўрсаткичларни ижобий натижада ифодалаш ҳамда синергетик самарадорликка эришишга мувофиқлигини келтириб ўтишимиз мумкин.



4-расм. Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг салоҳиятини баҳолаш ва ривожлантириш механизми¹⁰

Бугунги кунда автомобиль транспорти тизимида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда унинг самарадорлигини тадқиқ қилиш ва баҳолаш услубий база билан етарли даражада таъминланмаганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетинг фаолиятини самарали ташкил этишга унинг самарадорлигини баҳолаш бўйича маълум услубиятлардан фойдаланмай кўзланган натижага эришиш мумкин эмас. Диссертацияда автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг самарадорлигини баҳолашда ўзига хос мезонлар танлаб олинди. Бу мезонлар айнан, автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг самарадорлигини баҳолаш бўйича замонавий услубий таъминотни шакллантиришда замин яратди. Автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи мезонлар унинг хусусиятига кўра танлаб олинади ва тизимлаштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Автомобиль транспортида инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи мезон ва кўрсаткичлар тизими¹¹

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

№	Мезонлари	Мезонлар кўрсаткичи
1.	Техник-эксплуатацион	Автомобиль транспорти корхонасининг техник, технологик ва иқтисодий хусусиятларини ўзида акс эттириб, транспорт воситасини тўғри танлаш, улардан самарали ишлатишни тавсифлайди.
2.	Иқтисодий	Мавжуд асосий фондлар ва айланма маблағлардан оқилона фойдаланган ҳолда автомобиль транспорти корхонасининг транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажми ҳамда ундан олинадиган иқтисодий самарани ифодалайди.
